

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.09.2020.FM.55.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ИБРОХИМОВ НОДИРБЕК ИКРОМЖОНОВИЧ**

**ПАСТ ЭНЕРГИЯЛИ КУМУШ, КУМУШ-КОБАЛЪТ  
КЛАСТЕРЛАРИНИНГ МИС ВА КУМУШ СИРТИ БИЛАН ЎЗARO  
ТАЪСИРИ ЖАРАЁНИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**01.04.04 – Физик электроника**

**физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2022**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on physical-mathematical sciences**

**Иброхимов Нодирбек Икромжонович**

Паст энергияли кумуш, кумуш-кобальт кластерларининг мис ва кумуш сирти билан ўзаро таъсири жараёнини моделлаштириш.....3

**Иброхимов Нодирбек Икромжонович**

Моделирование процессов взаимодействия низкоэнергетических кластеров серебра, серебра-кобальта с поверхностями меди и серебра .....23

**Ibrokhimov Nodirbek Ikromjonovich**

Modeling of interaction processes of low-energy silver, silver-cobalt clusters with copper and silver surfaces.....42

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.09.2020.FM.55.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ИБРОХИМОВ НОДИРБЕК ИКРОМЖОНОВИЧ**

**ПАСТ ЭНЕРГИЯЛИ КУМУШ, КУМУШ-КОБАЛЪТ  
КЛАСТЕРЛАРИНИНГ МИС ВА КУМУШ СИРТИ БИЛАН ЎЗАРО  
ТАЪСИРИ ЖАРАЁНИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**01.04.04. – Физик электроника**

**физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/FM445 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.fizelektronika.urdu.uz](http://www.fizelektronika.urdu.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ядгаров Ишмунин Джаббарович**  
физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:** **Ташатов Алланазар Қаршиевич**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Курбанов Музаффар Кадамбаевич**  
физика-математика фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.09.2020.FM.55.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Урганч ш., Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел: (99862) 224-66-11; факс: (99862) 224-67-00; e-mail: [fizelektronika.urdu@umail.uz](mailto:fizelektronika.urdu@umail.uz)).

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч ш., Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел: (99862) 224-66-11; факс: (99862) 224-67-00.)

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**У.О. Кутлиев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси физика-математика фанлари доктори

**А.Р. Матназаров**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, физика-математика фанлари номзоди, доцент

**К.А. Исмаилов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда турли ўлчамдаги металл кластерларни яратиш ва кластерлар билан металл кристаллларнинг ўзаро таъсири жараёнларини тадқиқ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу тадқиқотлар илм-фан ва муҳандисликнинг турли соҳалари учун қизиқиш уйғотади. Бу борада, жумладан математик моделлаштириш усуллари экспериментал усуллар билан олинган натижаларни сезиларли даражада тўлдиради ва наноўлчамдаги металл наноструктураларни тадқиқ қилишда тобора муҳим ўрин тутмоқда.

Жаҳонда сўнги йилларда кристаллар сирти металл кластерлар билан бомбардимон қилинганда кристаллар сиртида кратерлар ҳосил бўлиши ва кластерларнинг деформация жараёнларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан турли ўлчамдаги металл кластерларнинг кристалл ичига киритилиши ва кристалл сиртида юпқа плёнкалар ҳосил бўлиши жараёнларини моделлаштириш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга кристаллларни кластерлар билан бомбардимон қилиш орқали баъзи металл наноструктураларни олиш ҳам фундаментал, ҳам амалий нуқтаи назардан долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг истиқболли йўналишларини ривожлантиришга эътибор кучаймоқда, хусусан, янги наноматериаллар яратиш, уларнинг фундаментал физик хусусиятларини тадқиқ этиш ва олинган натижаларни амалиётда қўллашга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш стратегиясида «илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятларни рағбатлантириш, илмий-инновацион ютуқларни амалиётга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, металл кластерларининг монокристаллар сирти билан ўзаро таъсири жараёнлари ва кам атомли кластерларни чўктириш орқали эса кристаллар юзасида наноплёнкалар ҳосил бўлиш механизмларини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сон «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

1. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон Фармонида 1-илова, 3.2-б.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши бўйича тадқиқотлар республика фан ва технологиялар ривожланишининг II «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммони ўрганганлик даражаси.** Бу соҳада турли хорижий илмий марказларда бир қатор муҳим илмий тадқиқотлар, жумладан, металл кластерлари ва уларнинг кристаллар билан ўзаро таъсирини ўрганиш учун математик моделлаштириш усулларидан фойдаланган ҳолда тадқиқотлар олиб борилган. Бу борадаги энг муҳим натижаларга олишга катта хисса қўшган хорижий олимлар, жумладан В.Н. Шульга, Л.В. Редель, Ю.Я. Гафнер, Francesca Valetto, Mehmet Karabacak, P.L. Williams, Y. Mishin ва бошқалар.

Атомлар ва кластерларнинг монокристаллар сирти билан ўзаро таъсирлашиш жараёнини моделлаштиришга Ўзбекистоннинг таниқли олимларининг илмий ишлари бағишланган. Булардан: А.А. Джурахалов, А.М. Расулов, У.О. Кутлиев ва И.Д. Ядгаровлар. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида металл кристаллар сиртида атомлар ва кластерларнинг сочилиш ва чангланиш механизмларини аниқлашда салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, кластерлар ҳосил қилиниши ва металл кластерларнинг кристаллар сирти билан ўзаро таъсири натижасида плёнкаларнинг ҳосил бўлиши жараёни етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ОТ-Ф2-46 “Углеродли нанотрубкалар ва фуллеренлар билан атом зарралари, электронлар ва фотонларнинг ўзаро таъсири жараёнини назарий тадқиқ этиш” (2017-2020) лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** металл кристаллар сиртига кластерларнинг чўкишида наноструктуралар ҳосил бўлиши ва кам атомли металл кластерларнинг барқарор конфигурацияларини энергияни минималлаштириш усули асосида ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мис, кумуш, кобальт кластерларининг барқарор тузилмалари ва конфигурацияларини ҳосил қилиш;

аралаш  $Cu_mCo_n$  кластерларининг барқарор тузилмалари ва конфигурацияларини яратиш;

мис ва кумуш кристаллари мисолида металл кристаллари юзасида баъзи кам атомли кластерлар (кумуш, кумуш-кобальт кластерлар) чўкиши пайтида металл кристаллари юзасидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш;

$Ag_mCo_n$  мисолида кумуш кристалл юзасига катта ҳажмли кластерларни чўктириш жараёнида юпқа қатламли тузилмалар ҳосил бўлишини ўрганиш (битта кластердаги умумий атомлар сони 3000 тагача).

**Тадқиқотнинг объектлари** сифатида мис, кумуш, кобальт металл кластерларининг ҳамда мис ва кумуш кристалларининг компьютер моделлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни атомларнинг координаталари, тезлиги, атомлараро ўзаро таъсир энергиялари ва металл кластерларининг боғланиш энергиялари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида энергияни минималлаштириш усули, ЕАМ ва МЕАМ потенциалларидан фойдаланган ҳолда молекуляр динамика (МД) усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кам атомли кластерлар ( $Ag_n$ ,  $Cu_n$ ,  $Co_n$ ) нинг барқарор тузилмалари ва конфигурациялари, шунингдек улардаги ҳар бир атом учун боғланиш энергиялари, боғланиш энергиясининг атомлар сонига боғлиқлиги аниқланган;

мис, кумуш, кобальт кластер ( $Cu_n$ ,  $Ag_n$  ва  $Co_n$ ,  $n=3-60$ ) лари ва аралаш ( $Cu_nCo_1$   $n=2-9$  ва  $Cu_nCo_2$   $n=2-8$ ) кластерлар атомлари орасидаги боғ узунликлари аниқланди;

мис кристаллари юзасига майда кумуш кластерларнинг чўкишида, кластернинг баъзи атомлари сирт қатламлари орасига кириши, кичик кластерлар сезиларли даражада деформацияланиши ва кластер энергиясининг ортиши билан унинг кристалл ичига кириб бориш чуқурлиги ортиши аниқланди;

мис кристаллари юзасига кичик кластерларни чўктириш жараёнида кластер атомлари кристалл ичига кириб бориши, кириб бориш чуқурлиги энергияга ҳамда уларнинг ҳажмига боғлиқлиги аниқланди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

металл кластерлари ва кристалларининг геометрик моделлари ишлаб чиқилган;

мис монокристалли сиртига тушаётган кумуш кластерлари энергиясининг ортиб бориши билан уларнинг кристалл ичига чуқурроқ кириб бориши аниқланган;

паст энергияли метал кластерлар кристалл сиртига туширилганда уларнинг сезиларли деформацияга ўчраши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** металлларда ўзаро таъсирлар учун умумий қабул қилинган ЕАМ ва МЕАМ потенциалларидан фойдаланиш билан асосланади, уларнинг аниқлиги кўплаб муаллифлар томонидан қиёсий ҳисоблар билан тасдиқланган. Олинган натижалар синчковлик билан амалга оширилган ҳисоб-китобларга ва мумкин бўлган хатоларни тўғри кўриб чиқиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли ўлчамдаги кластерларнинг металл сирти билан ўзаро таъсири жараёнларининг характерли хусусиятларини очиқ бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кластерларнинг металл монокристаллар билан ўзаро таъсири жараёнларини математик

моделлаштиришда олинган натижалар наноинженериядаги янги конструкцион материалларни ва микро ва наноэлектрониканинг замонавий элементларини рағбатлантиришга ва ривожлантиришга хисса қўшиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Паст энергияли кумуш, кумуш-кобальт кластерларининг мис ва кумуш сиртлари билан ўзаро таъсир жараёнларини моделлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кумуш кластерларининг мис кристали сиртига чўкиши жараёнида, кластер атомларининг кристал ичига кириши, кластер ўлчамлари ва энергиясига боғлиқлигини ва мис кристали сиртига кумуш кластерлари чўктирилганда кластерлар ўлчамларининг ўзгариши яъни деформацияга учрашини аниқлаш №ОТ-Атех-2018-503 рақамли “Si, Ni сирти қатламлари ва уларнинг оксидлари электрон тузилишлари, эмиссия ва оптик хусусиятларини ион бомардимони билан ўзгартириш” лойиҳасида фойдаланилган (Маълумотнома № 01/9-14-1108, Тошкент давлат техника университети 2022-йил 11-апрель). Илмий натижадан фойдаланиш наноўлчамли тизимлар хоссаларини баҳолаш ва физикавий фундаментал қонуниятларни ўзлаштириш имконини берган;

мис, кумуш ва кобальт атомларидан ташкил топган кам атомли кластерларнинг аниқланган барқарор тузилмалари ва конфигурациялари №ОТ-Ф2-51 рақамли “Фуллеренлар ва уларнинг ҳосилалари асосида оптоэлектроника ва қуёш энергетикаси учун янги функционал наноматериаллар синтез қилишнинг фундаментал асослари” лойиҳасида фойдаланилган (Маълумотнома № 2/1255-670, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси 2022-йил 25-март). Илмий натижадан фойдаланиш силлик тагликлар сиртида наноўлчамли углеродли гетероструктураларнинг шаклланишидаги молекулалараро таъсирларни баҳолаш ва кластерларнинг сиртларда жойлашишини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация иши натижалари 5 та халқаро ва 1 та республика конференцияларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича олинган илмий натижалар 9 та илмий ишларда баён қилинган бўлиб, улардан 4 таси илмий мақола, шу жумладан 2 та чет эл ва 2 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда чоп этилган ва 3 та ЭҲМ учун дастурга гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан, жумладан 57 та расм ва 5 та жадвалдан иборат. Диссертация ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари шакллантирилган, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, ишланмаларни амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг биринчи бобида** металл кристаллари юзаси билан кластерларнинг ўзаро таъсир доиралари ҳолати, кластер иони қаттиқ сиртга урилганда, кластер ва таглик атомлари ўртасида юқори зичликдаги атом тўқнашуви содир бўлиши ҳақида умумий маълумот берилган. Ушбу кўп тўқнашув механизми мономерик ионлардан фарқ қиладиган ҳодисаларни келтириб чиқаради. Ag мономерлари ва бир неча минглаб атомларгача бўлган ўлчамдаги Ag кластерининг Si(001) сирти билан таъсирлашуви МД усули билан моделлаштирилган. Кириб бориш, деформациянинг шаклланиши ва сочилиш жараёнлари кўриб чиқилган ва кластер ионларининг чизиқли бўлмаган тўқнашув жараёнлари ҳам муҳокама қилинган.

Кластерлар бир ҳил бўлиши мумкин, яъни фақат битта турдаги атомлар ёки молекулалардан иборат ёки гетероген бўлиши мумкин. Улар нейтрал ёки зарядланган бўлиши мумкин. Уларни ҳар хил турдаги кучлар ушлаб туриши мумкин: карама-қарши зарядланган ионлар орасидаги кучли тортишиш (NaCl кластерларида бўлгани каби), ван дер Ваальс тортишиш (He ва Ar кластерларида бўлгани каби), ковалент кимёвий боғланишлар (Si кластерларида бўлгани каби) ёки металл боғланиш (Na и Cu кластерларида бўлгани каби).

**Диссертациянинг иккинчи бобида** фойдаланилган моделлаштириш усуллари тавсифланган, шунингдек, ўрганилаётган объектларнинг муҳим хусусиятлари келтирилган.


Молекуляр динамика (МД) усуллари фанда ҳам, муҳандисликда ҳам кенг кўламда қўлланилади, чунки улардан оддий газлар ва суюқликлардан тортиб мураккаб материалларгача бўлган молекуляр даражадаги (нано ўлчамдаги) жараёнларни моделлаштириш учун фойдаланиш мумкин. Классик МД симуляциясида тизим Ньютоннинг ҳаракат тенгламалари билан тавсифланади, бу ерда атом асосий заррача ҳисобланади.

**Диссертациянинг учинчи бобида** кам атомли кумуш, мис, кобальт ва аралаш типли мис-кобальт металл кластерларини моделлаштириш натижалари ҳамда бу кластерлардаги атомларнинг геометрик жойлашуви ва конфигурациялари келтирилган. Модел экспериментлар асосан LAMMPS дастурий пакетидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Кичик кумуш кластерлар ( $Ag_n$ ,  $n = 3-60$ ) ЕАМ потенциалидан фойдаланган ҳолда МД усуллари асосида моделлаштирилган. Биринчи

навбатда, геометрик тузилмалар аниқланди, ушбу кластерларнинг мувозанат конфигурациялари 0 К ҳароратда қурилди. Бу жараён энергияларни минималлаштириш усули асосида амалга оширилди, сўнгра кластерлар 300 К ҳароратга қадар қиздирилди.

1-расмда кам атомли кумуш кластерларининг геометрик тузилмалари кўрсатилган. Бу расмлардаги шарчалар кумуш атомларини, баъзи ҳолларда кластерларнинг тузилишини яхшироқ идрок етиш учун турли хил кулранг рангларда тасвирлайди, шарлар орасидаги кулранг чизиқлар атомлар орасидаги ўзаро таъсирни кўрсатади.  $Ag_3$  кластери тенг томонли учбурчак шаклига эга.  $Ag_5$  кластери бешта атомдан иборат бўлиб, кластернинг 3 та атоми бир текисликда жойлашган оддий учбурчакни ҳосил қилади, қолган иккита атом эса бу учбурчак марказидан юқорида ва пастда симметрик тарзда жойлашган.  $Ag_7$  кластери етти атомдан иборат бўлиб, кластернинг 5 та атоми бир текисликда оддий бешбурчак ҳосил қилади, қолган иккита атом эса ушбу бешбурчак марказининг тепасида ва остида симметрик тарзда жойлашган.  $Ag_9$  дан  $Ag_{19}$  гача бўлган кластерларда улардаги атомлар сони ортиши билан сферик шаклга эга бўлади.



Кластер атомлари орасидаги боғланиш масофалари яъни, боғ узунликлари  $Jmol$  дастури орқали аниқланди. Бунга кўра,  $Ag_3$  кластерида  $Ag-Ag$  боғланиш масофалари  $2,77\text{\AA}$ .  $Ag_5$  кластерида  $2,75\text{\AA}$  ва  $2,78\text{\AA}$ .  $Ag_7$  кластерида бу масофалар  $2,72\text{\AA}$ ,  $2,75\text{\AA}$  ва  $2,82\text{\AA}$ .  $Ag_9$  кластерида  $2,48\text{\AA} \div 3,11\text{\AA}$ .  $Ag_{11}$  кластерида бу масофалар  $2,69\text{\AA} \div 2,85\text{\AA}$  ни ташкил қилади.  $Ag_{13}$  кластерида  $2,67\text{\AA}$  ва  $2,81\text{\AA}$ .  $Ag_{15}$  кластерида  $2,67\text{\AA} \div 2,88\text{\AA}$ .  $Ag_{17}$  кластерида  $2,65\text{\AA} \div 2,89\text{\AA}$ .  $Ag_{19}$  кластерида  $2,75\text{\AA} \div 2,79\text{\AA}$ .


25 дан ортиқ атомли кумуш кластерларнинг тузилиши идеал шарсимон шаклга яқинроқдир.  $Ag_{25}$  кластерида  $Ag-Ag$  боғланиш масофалари  $2,51\text{\AA} \div 2,94\text{\AA}$  ни ташкил қилади.  $Ag_{30}$  кластерида  $2,45\text{\AA} \div 3\text{\AA}$ .  $Ag_{35}$  кластерида бу масофалар  $2,54\text{\AA} \div 3\text{\AA}$  ни ташкил қилади.  $Ag_{40}$  кластерида  $2,61\text{\AA} \div 2,88\text{\AA}$ .  $Ag_{45}$  кластерида  $2,65\text{\AA} \div 2,89\text{\AA}$ .  $Ag_{50}$  кластерида  $2,63\text{\AA} \div 2,9\text{\AA}$ .  $Ag_{55}$  кластерида  $2,64\text{\AA} \div 2,84\text{\AA}$ .  $Ag_{60}$  кластерида  $2,7\text{\AA} \div 2,85\text{\AA}$ .

Кам атомли металл мис кластерлари ( $Cu_n$ ,  $n = 3-60$ ) ЕАМ потенциалидан фойдаланган ҳолда МД усулларига асосланган  $Jmol$  дастури ёрдамида моделлаштирилган.

2-расмда кам атомли мис кластерларининг геометрик тузилмалари кўрсатилган. Бу расмлардаги шарчалар мис атомларини ифодалайди, шарлар орасидаги жигарранг чизиқлар атомлар орасидаги ўзаро таъсирни кўрсатади.  $Cu_3$  кластери тенг томонли учбурчак шаклига эга.  $Cu_5$  кластери бешта атомдан иборат бўлиб, кластернинг 3 та атоми бир текисликда жойлашган оддий учбурчакни ҳосил қилади, қолган иккита атом эса бу учбурчак марказидан юқорида ва пастда симметрик тарзда жойлашган.  $Cu_7$  кластери етти атомдан иборат бўлиб, кластернинг 5 та атоми бир текисликда оддий бешбурчак ҳосил қилади, қолган иккита атом эса ушбу бешбурчак марказининг тепасида ва остида симметрик тарзда жойлашган.  $Cu_9$  дан  $Cu_{19}$  гача бўлган кластерларда улардаги атомлар сони ортиши билан сферик шаклга эга бўлади.

$Cu_3$  кластерида  $Cu-Cu$  боғланиш масофалари  $2,6\text{\AA}$  га тенг.  $Cu_5$  кластерида  $2,6\text{\AA}$ .  $Cu_7$  кластерида бу масофалар  $2,62\text{\AA}$  ва  $2,59\text{\AA}$ .  $Cu_9$  кластерида  $2\text{\AA} \div 3,04\text{\AA}$ .  $Cu_{11}$  кластерида бу масофалар  $2,53\text{\AA} \div 2,67\text{\AA}$  ни ташкил қилади.  $Cu_{13}$  кластерида  $2,51\text{\AA}$  ва  $2,64\text{\AA}$ .  $Cu_{15}$  кластерида  $2,52\text{\AA} \div 2,67\text{\AA}$ .  $Cu_{17}$  кластерида  $2,47\text{\AA} \div 2,69\text{\AA}$ .  $Cu_{19}$  кластерида  $2,33\text{\AA} \div 2,64\text{\AA}$ .


25 дан ортиқ атомли мис кластерларининг тузилиши идеал шарсимон шаклга яқинроқдир.  $Cu_{25}$  кластерида  $Cu-Cu$  боғланиш масофалари  $2,01\text{\AA} \div 3,12\text{\AA}$  ни ташкил қилади.  $Cu_{30}$  кластерида  $2,35\text{\AA} \div 2,92\text{\AA}$ .  $Cu_{35}$  кластерида бу масофалар  $2,34\text{\AA} \div 2,83\text{\AA}$  ни ташкил қилади.  $Cu_{40}$  кластерида  $2,3\text{\AA} \div 3,02\text{\AA}$ .  $Cu_{45}$  кластерида  $2,34\text{\AA} \div 2,98\text{\AA}$ .  $Cu_{50}$  кластерида  $2,37\text{\AA} \div 3,01\text{\AA}$ .  $Cu_{55}$  кластерида  $2,47\text{\AA} \div 2,67\text{\AA}$ .  $Cu_{60}$  кластерида  $2,18\text{\AA} \div 2,69\text{\AA}$ .



Кам атомли металл кобальт кластерлари ( $Co_n$ ,  $n = 3-60$ ) ЕАМ потенциалидан фойдаланган ҳолда МД усулларига асосланган Jmol дастури ёрдамида моделлаштирилган.

3-расмда кам атомли кобальт кластерларининг геометрик тузилмалари кўрсатилган. Бу расмлардаги шарчалар кобальт атомларини ифодалайди, шарларни бирлаштирувчи чизиклар эса атомларнинг ўзаро таъсирни кўрсатади.  $Co_3$  кластери тенг томонли учбурчак шаклига эга  $Co_5$  кластери бешта атомдан иборат бўлиб, тўртта атоми бир текисликда оддий трапеция шаклини ҳосил қилади, қолган бир атом эса бу трапециянинг юқори марказида

жойлашган.  $Co_7$  кластери етти атомдан иборат бўлиб, кластернинг 5 та атоми бир текисликда оддий бешбурчак ҳосил қилади, қолган иккита атом эса бу бешбурчак марказидан юқорида ва пастда симметрик тарзда жойлашади.  $Co_9$  дан  $Co_{19}$  гача бўлган кластерлар атомлар сони ортиб бориши билан шарсимон бўлиб қолади. 25 дан ортиқ атомли кобальт кластерларининг тузилиши идеал шарсимон шаклга яқинроқдир.




$Co_3$  кластеридаги  $Co-Co$  боғланиш масофалари  $2,48\text{\AA}$ .  $Co_5$  кластерида  $2,45\text{\AA}$ ,  $2,47\text{\AA}$ ,  $2,49\text{\AA}$  ва  $2,52\text{\AA}$ .  $Co_7$  кластеридаги бу масофалар  $2,4\text{\AA}$ ,  $2,48\text{\AA}$  ва  $2,83\text{\AA}$ .  $Co_9$  кластерида  $2,33\text{\AA} \div 2,75\text{\AA}$ .  $Co_{11}$  кластерида бу масофалар  $2,21\text{\AA} \div 2,73\text{\AA}$  ни ташкил қилади.  $Co_{13}$  кластерида  $2,36\text{\AA}$  ва  $2,77\text{\AA}$ .  $Co_{15}$  кластерида  $2,22\text{\AA} \div 2,7\text{\AA}$ .  $Co_{17}$  кластерида  $2,32\text{\AA} \div 2,7\text{\AA}$ .  $Co_{19}$  кластерида  $2,32\text{\AA} \div 2,77\text{\AA}$ .

25 дан ортиқ атомли кумуш кластерларнинг тузилиши идеал шарсимон шаклга яқинроқдир.  $Co_{25}$  кластерида  $Co-Co$  боғланиш масофалари  $2,24\text{\AA} \div 2,66\text{\AA}$  ни ташкил қилади.  $Co_{30}$  кластерида  $2,25\text{\AA} \div 2,72\text{\AA}$ .  $Co_{35}$  кластерида бу масофалар  $2,24\text{\AA} \div 2,66\text{\AA}$  ни ташкил қилади.  $Co_{40}$  кластерида  $2,26\text{\AA} \div 2,67\text{\AA}$ .  $Co_{45}$  кластерида  $2,28\text{\AA} \div 2,73\text{\AA}$ .  $Co_{50}$  кластерида  $2,3\text{\AA} \div 2,73\text{\AA}$ .  $Co_{55}$  кластерида  $2,28\text{\AA} \div 2,73\text{\AA}$ .  $Co_{60}$  кластерида  $2,31\text{\AA} \div 2,75\text{\AA}$ .

Юқоридаги ҳисоблашлар натижасига кўра кумуш, мис ва кобальт кластерлари атомлари орасидаги боғ узунликлари уларнинг ўлчамига ва конфигурацияларига боғлиқ эканлиги аниқланди. Кластерлардаги боғ узунликларининг турлича бўлиши кластерларнинг энергетик хусусиятлари ўзгаришига олиб келади.

4-расмда баъзи кам атомли аралаш  $\text{Cu}_n\text{Co}_1$  ( $n = 2-9$ ) кластерларининг визуал тасвирлари кўрсатилган.




Ўлчамлари турлича бўлган аралаш типдаги кластерларнинг атомлари орасидаги боғ узунликлари 1-жадвалда келтирилган.

**Кам атомли аралаш типдаги кластерлар  $Cu_nCo_1$  ( $n=2-9$ ) нинг боғ узунликлари**

№	Кластерлар	Боғ узунлиги $r$ , $\text{Å}$
1	$Cu_2Co_1$	$r_{12}=2,65, r_{13}=r_{23}=2,53$
2	$Cu_3Co_1$	$r_{12}=r_{13}=r_{23}=2,65, r_{14}=r_{24}=r_{34}=2,51$
3	$Cu_4Co_1$	$r_{24}=2,7, r_{25}=r_{45}=2,53, r_{12}=r_{14}=r_{15}=r_{23}=r_{34}=r_{35}=2,57$
4	$Cu_5Co_1$	$r_{24}=r_{35}=3,15, r_{12}=r_{13}=r_{14}=r_{15}=2,62, r_{26}=r_{36}=r_{46}=r_{56}=2,52$
5	$Cu_6Co_1$	$r_{47}=2,67, r_{17}=r_{27}=r_{37}=r_{57}=r_{67}=2,59,$ $r_{12}=r_{15}=r_{23}=r_{36}=r_{56}=2,56, r_{14}=r_{24}=r_{34}=r_{45}=r_{46}=2,53$
6	$Cu_7Co_1$	$r_{57}=3, r_{14}=2,96, r_{23}=2,73, r_{16}=2,71, r_{25}=r_{37}=2,7$ $r_{68}=2,64, r_{48}=2,61, r_{12}=r_{13}=r_{24}=r_{34}=2,5, r_{56}=r_{67}=2,48$ $r_{58}=r_{78}=2,45, r_{15}=r_{17}=2,44, r_{45}=r_{47}=2,43$
7	$Cu_8Co_1$	$r_{29}=3,24, r_{57}=3,11, r_{24}=r_{78}=2,47, r_{17}=r_{27}=2,45$ $r_{16}=r_{23}=2,44, r_{25}=r_{38}=r_{39}=2,43, r_{12}=r_{79}=2,42$ $r_{15}=r_{89}=2,41, r_{67}=r_{37}=2,4, r_{56}=2,39, r_{45}=r_{49}=r_{69}=2,38$ $r_{34}=2,36$
8	$Cu_9Co_1$	$r_{310}=r_{510}=r_{710}=2,72, r_{12}=r_{14}=r_{26}=r_{48}=r_{69}=r_{89}=2,62$ $r_{210}=r_{410}=r_{910}=2,58, r_{110}=r_{610}=r_{810}=2,55$ $r_{23}=r_{25}=r_{34}=r_{47}=r_{59}=r_{79}=2,53, r_{13}=r_{56}=r_{78}=2,51$ $r_{35}=r_{37}=r_{57}=2,45$


5-расмда кластерларнинг катталигига (улардаги атомлар сонига) қараб ўртача боғланиш энергиясининг (кластернинг атомига) атомлар сонига боғлиқлиги графиклари берилган. Графиклар шуни кўрсатадики, кластерлар

қанча катта бўлса, улардаги атомларнинг ўртача боғланиш энергиясининг қиймати шунча катта бўлади. Ушбу жараёнда кластерларнинг ўсишида ўртача боғланиш энергияси қийматиغا сирт атомлари "ҳиссаси" нинг пасайиши билан кузатилган.




5-расм. Кластер ўртача боғланиш энергиясининг кластердаги атомлар сонига боғлиқлиги

LAMMPS дастурий пакетидаги EAM потенциалидан фойдаланиб, МД усуллари асосида  $T = 0$  К ҳароратда 4000 ва 108000 атомдан иборат бўлган мис монокристалларининг моделлари яратилди. Ҳар бир симуляцияда, дастлабки конфигурация яратилгандан сўнг, ҳар 10000 қадамда минималлаштирилди. Симуляция босқичлари изотермик изобарик (NPT) шароитларда бажарилди ва даврий чегара шартлари тўртбурчак симуляция блокининг барча йўналишларига қўлланилди. Биз молекуляр динамикани симуляция қилиш жараёнини 0,0001 пс вақт қадами билан бажардик. Симуляция жараёни 150 пс давом этди ва босим Берендсен баростати ёрдамида 1 барда ушлаб турилди. Берендсен термостати ёрдамида эриш ҳарорати ва эритувчи ҳарорати мустақил равишда ўрнатилганда, ҳарорат 1 пс учун 300 К да сақланади. Ушбу моделлар 6 ва 7-расмларда кўрсатилган.




6-расм. 4000 атомдан иборат Cu (100) кристалл модели



7-расм. 108000 атомдан иборат Cu (100) кристалл модели

**Тўртинчи бобда** кумуш кристалл юзасида кам энергияли кластерларнинг чўкиши жараёнида юпқа қатламларнинг шаклланиши кўриб чиқилди. МД усулига асосланган компьютер симуляцияси ёрдамида мис кристаллининг юзасига кичик кумуш кластерлари чўктирилди. Ушбу ишда кластер ва сирт атомлари ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнларини ҳисоблаш учун ЕАМ потенциали ишлатилган. Моделлаштиришнинг биринчи босқичида  $Ag_n$  ( $n = 3-20$ ) металл кластерларининг мувозанат конфигурацияси топилди. Моделлаштиришнинг иккинчи босқичида Cu(001) кристаллининг моделлари қурилган. Симуляциянинг учинчи босқичида турли хил энергияга эга кумуш кластерлар (1 эВ/атом ва 10 эВ/атом) мис кристаллининг юзасига вертикал равишда чўктирилди. 8-расмдан кўриниб турибдики, чўкиш натижасида

кластер атомларининг бир қисми сиртга ботади ва кичик кластерлар сезиларли даражада деформацияланади. Кластер энергияси ортиб бориши билан сиртга ботиш чуқурлиги ортади.




**8-расм. 1 эВ/атом ва 10 эВ/атом энергиясига эга бўлган  $Ag_{20}$  кластерининг мис кристалл ичигага чўкиши (чўкиш чуқурлиги 4,9 Å ва 8,8 Å).**

МД усулига асосланган компьютер симуляцияларидан фойдаланиб,  $Ag_nCo_m$  кластерлари (бу ерда  $n = m$ ,  $n = 100, 250, 500, 750, 1000, 1250$  ва  $1500$ )  $Ag(100)$  юзасига 0,5 эВ/атом энергияда ётқизилганда юпқа плёнка ҳосил бўлиш жараёнлари тадқиқ этилди.  $Ag_nCo_m$  кластерлари ( $m=n$ ,  $m = 200, 500,$

1000, 1500, 2000, 2500 ва 3000) кетма-кет тасодифий танлаш орқали чўктирилди. Хар бир жараён учун 150 пс вақт сарфланди. Таглик  $148,2 \times 148,2 \times 98,8 \text{ \AA}$  ўлчамга эга ва 124416 атомдан иборат. Ҳисоблаш хона ҳароратида, икки ўлчамдаги даврий чегара ҳолатини ва электрон-фонон бирикмасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Кўриб чиқиладиган энергия оралиғида секинлашувнинг биринчи характеристикаси - бу кластерларнинг тагликга кириб бориши ва у билан боғлиқ шикастланиш. Со атомларининг юмшоқ қўниши натижасида юзага келадиган сирт шикастланиши аллақачон экспериментал равишда ўрганилган. МД ва сирт туннел микроскоплари орқали аниқроқ кўрсатилган

9- расмда кластернинг кристалл ичига максимал кириши(а) ва кристалл сиртида кластерларнинг қалинлигининг (б) тушиш энергиясига боғлиқлиги кўрсатилган. 9а-расмда қора квадратчалар кичик кумуш кластери натижаларини, катта кумуш кластерлари учун қора доиралар, кичик кобальт кластерлари учун оқ доиралар ва оқ квадратлар катта кобальт кластерлари натижаларини ифодалайди. 9б-расмдаги қора доиралар кичик кластер натижаларини, квадратлар эса катта кластер натижаларини англатади. Графикадаги битта боғланиш чизиғида стандарт хатоликлар кўрсатилган.




**9-расм. Кластернинг кристалл ичига максимал кириши(а) ва кристалл сиртида кластерларнинг қалинлигининг (б) тушиш энергиясига боғлиқлиги.**

Кўриб чиқилган паст энергияларда (хар бир атом учун 1,5 эВ дан кўп бўлмаган) кластернинг сиртга қисман кириши кузатилди. Со атомлари битта кластер сифатида гурухланади ва Ag кластери атомлари билан ўралади. Кластер кристаллга киришида нишондаги Ag атомларини силжитади. Кластернинг кинетик энергиясининг ошиши билан таглик(нишон) сирти остига бир хилда, чизикли ўсиш билан атомлар киритилди. Ушбу киритилиш кластернинг энергияси 0,25 эВ/атом бўлганда 3% ни ва 1,5 эВ/атом бўлганда 30% ни ташкил этди. Ҳажми сақлаш қоидасига кўра, энг кичик кластер ҳолатида, сирт устида силжиган сирт атомлари сони ушбу сирт остидаги кластер атомлари сонига тўлиқ тенгдир. Катта кластер учун у бироз кичикроқ, чунки сирт остидаги Со атомлари ҳажми сиртдаги Ag атомлари ҳажмидан кичикроқдир.

9-расмда тушаётган кластерларнинг максимал кириб бориш чуқурлиги (9а-расм) ва сирт устидаги сирт атомлари томонидан ҳосил бўлган қатламнинг баландлиги (9б-расм) тушиш энергиясининг функциялари сифатида тасвирланган. Ҳар бир элементдан ташкил топган кластерларнинг кристалл ичига кириши ҳар хил бўлади. Кластернинг ҳар бир энергиясида ўнга бир-бирига боғлиқ бўлмаган чўкиш жараёнлари натижалари умумлаштирилди ва ўртача стандарт хатоликлар кўрсатилди. Кичик кластер ўртача ҳисобланган максимал энергияда ҳам иккинчи қатламгача ҳам кирмайди. Катта кластер тизимли равишда кичик кластерга қараганда чуқурроқ киради. Бундан ташқари, тизимли равишда, дастлаб кумуш атомлари билан ўралган кобальт (икки типли кластер) кумушга қараганда сиртнинг камроқ қатламига киради ва кумуш қобиғи билан ўралганлигича қолади. Энергияси 0,5 эВ/атом дан паст бўлган кичик кластер бундан мустасно, Co ва Ag ҳар доим камида битта сирт қатлами чуқурлигида бўлади. Бу шуни кўрсатадики, айниқса реал тажрибаларда тагликни шикастлантирмасликни иложи йўқ. Таъсирлашув натижасида Ag атомлари кластерни тарк этиб, бирикган атомларни ҳосил қилади. Бирикган атомлар кластернинг чеккасида ёки кластердан унча катта бўлмаган масофада бир-биридан ажралган ҳолда жойлашган бўлади.


Ҳар бир кластер кристалл юзасига нормал тушиш вақтида маълум бир бошланғич кинетик энергия билан урилади, сиртга таъсир қилиш нуқталари ва уларнинг сиртга нисбатан йўналиши тасодифий равишда танланади. Ҳар бир жараён хона ҳароратида 150 пс давомида бажарилди. Кўриб чиқилган 150 пс вақтида оралиғида термализация қилинган конфигурацияни ўзгариши эҳтимоли жуда юқори бўлади. Чўкиш жараёнини бир нечта муҳим хусусиятлар билан тавсифлаш мумкин. Буни 10-расм ёрдамида тасвирлаш мумкин, бу расмда  $Co_{10}Ag_{191}$  кластерининг чўкишдан олдинги ва 150 пс вақт ўзгаришидан кейин кластер-таглик тизими ифодаланган. Кластернинг тушиш энергияси 0,5 эВ/атом. Яқуний тизимни кластернинг тагликга саёз кириши билан тавсифлаймиз.



**10-расм. Кумуш монокристалли сиртга 0,5 эВ/атом кинетик энергия билан тушаётган  $Co_{10}Ag_{191}$  кластерининг бошланғич ва охири ҳолатдаги модел кўринишлари.**

10-расмда кластернинг тагликка тизимли жойлашиши билан бирга бироз деформацияга учраши келтирилган. Бу вақтда кластернинг юқори қисми

Ўзининг дастлабки атом тартибини сақлаб қолиши мумкин. Расмдан шуни кўришимиз мумкинки, тагликда бироз шикастланишлар ҳосил бўлади ва Ag кластер қобиғи монокристалл юзаси бўйлаб бироз ёйилишга интилади. Со ядроси чўкишда бироз таъсирлашувга учраган бўлса-да, аввалроқ ўз шаклини йўқотишни бошлаган Ag панжараси таъсир натижасида янада деформацияланади.



**11-расм. Паст энергияли кластерларни чўктириш орқали юпқа плёнкаларни ҳосил қилиш**

11-расмда 0,5 эВ/атом энергияга эга бўлган 65 та 200, 500, 1000, 1500, 2000, 2500 ва 3000 атомли  $Ag_nCo_m$  кластерларининг чўктирилиши натижасида ҳосил бўлган юпқа плёнка модели келтирилган. Расмдан баъзи кластерлар юпқа плёнка ҳосил бўлиши натижасида кучли деформацияга учраганлигини кўришимиз мумкин. Эркин кластерлардаги панжара бузилади ва бу бузилиш зарба таъсирида кучаяди.

Кластернинг дастлабки хотира морфологияси ҳам ядрога, ҳам қобикқа нисбатан каттароқ кластер таъсиридан кейин қисман сақланиб қолади. Ушбу 150 пс вақти оралиғида кўриб чиқилган симуляция жараёни катта кластер учун ҳам қисман тўғри келади. Шунинг учун, атом даражасида, чўкиш жараёнидан кейин кластер-таглик тизими мураккаб тузилишни намоён этади ва дастлабки геометрик хусусиятларнинг қисман сақлаб қолади. Бу катализ, магнит ва оптик хусусиятлар билан боғлиқ ўзгаришларга олиб келиши мумкин ва ҳозирда кластернинг сирт билан ўзаро таъсирини кузатиш имкониятларини яхшироқ ўрганиш учун тадқиқотлар олиб борилмоқда.

## ХУЛОСАЛАР

1. Компьютерда моделлаштириш орқали  $T=0$  К ҳароратда кумуш (атомлар сони 2000 ва 4000) ва мис (атомлар сони 4000 ва 108000) монокристалларининг моделлари қурилди;
2. Кам атомли кластерларнинг барқарор тузилмалари ва конфигурациялари ўрнатилди, ҳамда улардаги ҳар бир атом учун боғланиш энергиялари,  $T=0$  К да кумуш, мис ва кобальт кластерларидаги боғланиш энергиясининг атомлар сонига боғлиқлиги аниқланди;
3.  $Co_{10}Ag_{191}$  ва  $Co_{285}Ag_{301}$  аралаш кластерларининг барқарор тузилмалари, конфигурациялари ва улардаги ҳар бир атом учун боғланиш энергиялари аниқланди;

4. Мис, кумуш, кобальт кластерлари ва аралаш  $Cu_nCo_1$  ( $n=2-9$ ) ва  $Cu_nCo_2$  ( $n=2-8$ ) кластерлари атомлари орасидаги боғ узунликлари аниқланди;
5. Баъзи кам атомли мис, кумуш, кобальт ва  $Cu_nCo_1$  ( $n=2-9$ ) ва  $Cu_nCo_2$  ( $n=2-8$ ) аралаш кластерларининг визуал тасвирлари олинди;
6. Мис кристаллари юзасида кичик кумуш кластерларни ётқизиш бўйича модель экспериментлар компьютер симуляция усулларидадан фойдаланган ҳолда ўтказилди, чўктириш натижасида кластер атомларининг бир қисми нишонга ботирилди ва кичик кластерлар сезиларли даражада деформацияланди. Кластер энергияси ортиб бориши билан унинг кристалл ичига кириб бориш чуқурлиги ортиши кузатилди;
7. Кумуш кристалл юзасида  $Co_{10}Ag_{191}$  ва  $Co_{285}Ag_{301}$  кластерларининг чўкиши симуляцияси амалга оширилди, симуляция натижалари шуни кўрсатадики, кластерларнинг нишонга кириб бориши уларнинг энергиясига ҳам, ҳажмига ҳам боғлиқ, кластерларнинг кристаллга кириб бориши юпқа плёнкали тузилмаларнинг шаклланишига олиб келади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.09.2020.FM.55.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УРГЕНЧЕСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ФЕРГАНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ИБРОХИМОВ НОДИРБЕК ИКРОМЖОНОВИЧ**

**МОДЕЛИРОВАНИЕ ПРОЦЕССОВ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ  
НИЗКОЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ КЛАСТЕРОВ СЕРЕБРА, СЕРЕБРА-  
КОБАЛЬТА С ПОВЕРХНОСТЯМИ МЕДИ И СЕРЕБРА**

**01.04.04.– Физическая электроника**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Фергана – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.4.PhD/FM445.**

Диссертация выполнена в Ферганском политехническом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу [www.fizelektronika.urdu.uz](http://www.fizelektronika.urdu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** **Ядгаров Ишмунин Джаббарович**  
доктор физико-математических наук, старший научный сотрудник

**Официальные оппоненты:** **Ташатов Алланазар Каршиевич**  
доктор физико-математических наук, профессор  
**Курбанов Музаффар Кадамбаевич**  
кандидат физико-математических наук

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный технический университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.09.2020.FM.55.04 при Ургенческом государственном университете. (Адрес: 220100, г. Ургенч, ул. Х. Алимджана, дом 14. Тел: (99862) 224-66-11; факс: (99862) 224-67-00; e-mail: fizelektronika.urdu@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ургенческого государственного университета (зарегистрирована за № \_\_\_). (Адрес: 220100, г. Ургенч, ул. Х. Алимджана, дом 14. Тел: (99862) 224-66-11; факс: (99862) 224-67-00; e-mail: fizelektronika.urdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(реестр протокола рассылки \_\_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года).

**У.О. Кутлиев**

Председатель научного совета по присуждению ученой степени, доктор физико-математических наук

**А.Р. Матназаров**

Учёный секретарь научного совета по присуждению ученой степени, кандидат физико-математических наук, доцент

**К.А. Исмаилов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученой степени, доктор физико-математических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня в мире особое значение придается вопросам создания металлических кластеров разного размера и исследования процессов взаимодействия кластеров с металлическими кристаллами. Эти исследования представляют интерес для различных областей науки и техники. В связи с этим методы математического моделирования позволяют значительно дополнить результаты, полученные экспериментальными методами в этой области и приобретает все большее значение в исследованиях наноразмерных металлических наноструктур.

В последние годы в мире проводятся научные исследования по определению образования кратеров на поверхности кристаллов и процессов деформации кластеров при бомбардировке поверхности кристалла металлическими кластерами. В этом направлении приоритетными считаются исследования по моделированию процессов включения в кристалл металлических кластеров разного размера и формирования тонких пленок на поверхности кристалла. В то же время получение некоторых металлических наноструктур путем бомбардировки кристаллов кластерами считается одной из актуальных задач как с фундаментальной, так и с практической точек зрения.

В Республике Узбекистан все большее внимание уделяется развитию перспективных направлений фундаментальных и прикладных исследований, в частности, созданию новых наноматериалов, изучению их фундаментальных свойств. В Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. поставлены задачи «Стимулирования научно исследовательской и инновационной деятельности, создания эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику при высших образовательных учреждениях и научно-исследовательских институтах, научно-экспериментальных специализированных лабораториях и центрах высоких технологий»<sup>1</sup>. При реализации этих задач важно определить, в частности, процессы взаимодействия металлических кластеров с поверхностью монокристаллов и механизмы формирования нанопленок на поверхности кристаллов путем осаждения низкоатомных кластеров.

Представленное диссертационное исследование, в определенной мере, способствует выполнению задач, изложенных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», а также постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-4779 «О дополнительных мерах по сокращению зависимости отраслей экономики от топливно-энергетической продукции, путем повышения энергоэффективности экономики и задействования имеющихся ресурсов» от 10 июля 2020 года а также других

---

1. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах // приложение № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947, п. 3.2.

нормативно-правовых документах, принятых в Республике за последние годы в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан - II. «Физика, астрономия, энергетика и машиностроение».

**Степень изученности проблемы.** Ряд важнейших научных исследований по данной тематике проведен в различных зарубежных научных центрах, в том числе были проведены исследования методами математического моделирования по изучению металлических кластеров и их взаимодействия с кристаллами. Наиболее значительные результаты в указанной области были достигнуты зарубежными учеными, В.Н. Шульгой, Л.В. Редель, Ю.Я. Гафнер, Francesca Valetto, Mehmet Karabacak, P.L. Williams, Y. Mishin и др.

Научные работы известных ученых Узбекистана посвящены моделированию процесса взаимодействия атомов и кластеров с поверхностью монокристаллов. Среди них: А.А. Джурахалов, А.М. Расулов, У.О. Кутлиев и И.Д. Ядгаров. В результате проведенных научных исследований были достигнуты значительные результаты в определении механизмов рассеяния и распыления атомов и кластеров на поверхности металлических кристаллов.

В то же время процесс образования кластеров и образования пленок за счет взаимодействия металлических кластеров с поверхностью кристаллов изучен недостаточно.

